

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 5



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-5>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)


PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna O‘ZBEK TILI AUDIOKORPUSI UCHUN PRAATNING FUNKSIONAL IMKONIYATLARI.....	5
2. Kuchkorov Khoshimjon Khasanzoda SOME CONSIDERATIONS ON THE UZBEK TRANSLATION OF THE WORK OF THE ALCHEMIST (ON THE EXAMPLE OF THE TRANSLATION OF AKHMAD OTABOY).....	11
3. Ergashev Mirsaid Baxtiyor o‘g‘li SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT OF “LOVE-MUHABBAT” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	18
4. Eshboltayev Bobur Jo‘rayevich BOLALAR REKLAMA MATNLARINING PSIXOLINGVISTIK XUSUSIYATLARI.....	23
5. Qurbonova E‘zoza HUQUQSHUNOSLIKKA DOIR TERMINLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI VA ULARDA POLIFUNKSIONALLIK MASALASI.....	27
6. Abduxamidova Dilafruz Abduxabirovna TILNING TAFAKKURGA TAFAKKURNING TILGA TA‘SIRI.....	33
7. Usmonova Zarina Habibovna THE UNIQUE ASPECTS OF TRANSLATION IN ENGLISH SCIENCE FICTION.....	38
8. Valieva Noiba Abbasxonovna TIL VA JAMIYAT O‘RTASIDAGI UZVIY BOG‘LIQLIK XX ASR DOLZARB MASALASI SIFATIDA.....	43
9. Dilorom Ikramovna Hakimova “NAFS” KONSEPTINING LINGVOPRAGMATIK TAVSIFI VA TASNIFI.....	49
10. Xasanova Shaxzoda FE‘L FRAZEOLOGIZMLAR TARJIMASI.....	54
11. Ойбек Бектемирович Абдимўминов БМТ ИСЛОҲОТЛАРИ: СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР.....	60
12. Хасанова Феруза Мирзабековна, Аҳмедов Нодирбек Алиевич ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА С КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА.....	67
13. Усманова Салиха Юлдашевна, Мирзаева Шахло Ризаевна ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ СОСТАВА И СТРОЕНИЯ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО СЛОВА ПРИ ИЗУЧЕНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТАМИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУПП.....	74
14. Saidvaliyev Farrukh Saidakramovich, Subkhanova Aziza Khabibulla kizi ROLE OF ANTIDEPRESSANTS IN REDUCING THE FREQUENCY AND DURATION OF MIGRAIN HEADACHES.....	80
15. Ишанкулова Нилуфар Ташкентовна HEMIS TILI FEЬЛЛАРИНИНГ АКЦИОНАЛ ТАСНИФИ.....	85
16. Jabborova Dilafruz Ismatullo kizi USING DIGITAL TECHNOLOGIES TO ENHANCE FINANCE STUDENTS’ WRITING COMPETENCE.....	91
17. Jo‘raqulova Mushtariy O‘ZBEK TILI PARALLEL KORPUSINING LINGVISTIK TA‘MINOTI.....	94
18. Maftuna Kamarova Umar qizi KOREYS TILI O‘QITUVCHILARINING O‘QISH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA FLIPPED LEARNING TEXNOLOGIYASINING O‘RNI.....	99

19. Shoxida Ulugova Shoxruxovna LISONIY OBRAZ YARATISHDA DISKURSNING KOGNITIV-SEMANTIK VAZIFASI.....	104
20. Рашидова Камила Ахмаджонова ЗАРОЖДЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ЯПОНИИ.....	109
21. Тошбекова Дилором Исмоиловна, Халимова Нодири Бахронкуловна РУССКАЯ ФРАЗЕОЛОГИЯ И КУЛЬТУРНЫЙ КОНТЕКСТ: АНАЛИЗ УСТОЙЧИВЫХ ВЫРАЖЕНИЙ, ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК, ИХ ПРОИСХОЖДЕНИЕ, РАЗВИТИЕ И РОЛЬ В СОВРЕМЕННОЙ КОММУНИКАЦИИ.....	116
22. Bakhronova Dilrabo Keldiyorovna, Umirova Dilnoza PRAGMATIC FEATURES OF PHRASES IN IAN MCEWAN’S NOVELS.....	120
23. Ikramova Kamola Shuhratovna THE IMPORTANCE OF MYTHOLOGIES, ARCHETYPES, AND MYTHIC UNITS IN THE CREATION OF A FEMALE IMAGE IN NOVELS “PRIDE AND PREJUDICE” BY JANE AUSTEN AND “O’TGAN KUNLAR” BY ABDULLAH QODIRIY.....	124
24. Buranova Madina Uktamovna, Ruziyeva Umida Abruykul kizi SEMANTIC AND PRAGMATIC ANALYSIS OF ANTHROPOCENTRIC IDIOMS IN CONTEMPORARY ENGLISH LITERATURE.....	129
25. Ergashova Baxora Sayfillo qizi ITALYAN XALQ ERTAKLARINING TARIXIY TARAQQIYOTI.....	136
26. Muhtarova Nigina THE USE OF AUTHENTIC VIDEO MATERIALS TO IMPROVE LANGUAGE LEARNING THROUGH COMMUNICATIVE TEACHING.....	141
27. Bayonkhanova Iroda Furkatovna KOREYS TILINI O’RGANISHDA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI.....	151
28. Ergashev Mirsaid Baxtiyor o’g’li SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT OF “LOVE-MUHABBAT” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....	157
29. Рашидова Камила Ахмаджонова ЗАРОЖДЕНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ДЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ЯПОНИИ.....	162
30. Ikromova Nigina Oybekovna THE EFFECT OF COGNITIVE LOAD ON THE TRANSLATOR: THE ROLE OF PSYCHOLINGUISTIC PROCESSES IN TEXT TRANSLATION.....	169
31. Эргашева Дилноза Тохировна АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА.....	175
32. Nasiba Azizova THE CONCEPT OF LINGUISTIC PERSONALITY IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI.....	180



ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ишанкулова Нилуфар Ташкентовна

Самарқанд Давлат Чет тиллари институти

Роман Герман тиллари факултети

Немис филологияси кафедраси тадқиқодчиси

blume20@mail.ru

НЕМИС ТИЛИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АКЦИОНАЛ ТАСНИФИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15078292>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада немис тили феълларининг акционал таснифи, яъни уларнинг ҳаракат ва ҳолатларнинг чегарали (телик) ёки чегарасиз (ателик) маъноларга эга эканлигига қараб гуруҳланиши таҳлил қилинади. Немис тилшунослигида бу мавзуда турли назариялар мавжуд: айрим олимлар феълларни қатъий тарзда иккига — чегарали ва чегарасизга ажратишни таклиф қиладилар, бошқалари эса нейтрал феъллар мавжудлигини таъкидлашади, улар контекстга қараб турли акционал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бу тасниф феълларнинг семантик ва синтактик хусусиятларини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Таянч сўзлар: акционал белгилар, телик (чегараланган)/ателик (чегараланмаган), лимитатив нейтрал феъллар; ҳаракат, ҳолат, жараён, эргатив феъллари; трансформатив, ҳаракат тарзи, интрансформатив феъллар, ингрессив, инхоатив, эгрессив, статик ҳолатлар.

Ishankulova Nilufar Tashkentovna

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Faculty of Romance Germanic Languages,

independent researcher of the department of German philology

blume20@mail.ru

ACTION CLASSIFICATION OF GERMAN VERBS

ANNOTATION

This article analyzes the action classification of German verbs, that is, their grouping according to whether they have finite (telic) or non-finite (atelic) meanings of actions and situations. In German linguistics, there are different theories on this topic: some scholars propose to strictly divide verbs into two - finite and non-finite, while others emphasize the existence of neutral verbs, which can have different action characteristics depending on the context. This classification helps to better understand the semantic and syntactic features of verbs.

Key words: verbs, transformative, intransformative verbs, verbs, ingressive, inchoative, egressive, static verbs.

Ишанкулова Нилюфар ТашкентовнаСамаркандский государственный институт иностранных языков
Факультет романо-германских языков,
независимый научный сотрудник кафедры немецкой филологии
blume20@mail.ru**КЛАССИФИКАЦИЯ ДЕЙСТВИЙ НЕМЕЦКИХ ГЛАГОЛОВ****АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается акциональная классификация немецких глаголов, которая заключается в их распределении на классы в зависимости от наличия у них значений предельности или непредельности. В немецком языкознании существуют различные подходы: одни исследователи предлагают делить глаголы на две категории — теличные и ателичные, другие выделяют также нейтральные глаголы, которые могут изменять свои акциональные характеристики в зависимости от контекста. Эта классификация помогает глубже понять семантические и синтаксические свойства глаголов.

Ключевые слова: акциональные признаки, телические/ателические, лимитативно нейтральные глаголы; глаголы действия, состояния, эргативные глаголы, трансформативные, интрансформативные глаголы, способы действия, ингрессив, инхоатив, эгрессив, статичные глаголы.

Акционал тасниф деганда, биз феъллар орқали ифодаланаётган ҳаракат ва ҳолатларнинг чегарали (телик) ва чегарасиз (ателик) маъноларга эга экан-лигига қараб тақсимлаш масаласини (гуруҳланишини) тушунамиз. Мазкур мақолада немис тилида феълларни акционал синфларга тақсимлаш билан боғлиқ бўлган муамолари кўриб чиқилади. Бу масала немис тилшунослигида ҳалигача ҳал қилинмаган. Феълларни қай тарзда таснифлаш кераклиги борасида турли қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар феълларни қатъий иккига — чегарали ва чегарасизга ажратишни таклиф қилишади. Яъни, улар феълларнинг инфинитив шаклида қайси синфга тегишли эканлигини аниқлаб, контекстан мустақил равишда таснифлашади.

Айрим германистлар барча феълларни қатъий тарзда иккига — чегарали ва чегарасиз деб ажратишни таклиф қиладилар бошқа олимлар эса кўплаб феъллар нейтрал бўлиб, уларни уч турга бўлиш мумкинлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, феъллар контекстга қараб чегарали ёки чегарасиз ҳолатга ўтиши мумкин ва турли қўлланмаларда турли маъноларга эга бўлиши мумкин.

Кўпгина феъллар қисқа вақтда содир бўлган ёки вақт билан мажбурий чегараланган жараёнларини, яъни кульминация ёки якуний нуқтани назарда тутувчи ҳодисаларни тасвирлайди, уларсиз кўриб чиқиладиган турдаги ҳодиса мавжуд бўлмайди. Бундай феъллар Дуден грамматикасида телик (юнонча; мақсад) феъллари деб аталади [Дуден 2009: 408].

Ҳодисанинг кульминация ёки якуний нуқтасига ишора қилиш айниқса аниқ sterben (улмоқ), einschlafen (ухлаб қолмоқ), ausziehen (кўчмоқ), töten (улдирмоқ) tot sein (ўлиб қолмоқ), каби феълларда кўринади. Улар ҳолатни ўзгаришини, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишни ёки сабабларни англатади (таққосланг: leben (яшамоқ), wach sein (уйғоқ бўлмоқ), an einem bestimmten Ort X wohnen (аниқ X жойда яшамоқ) - tot sein, (ўлиб қолмоқ), einschlafen (ухлаб қолмоқ). Бундай феъллар **трансформатив** (ўзгартирувчи) феъллар деб аталади. Бу кўпинча erblühen (etw. Fängt an zu blühen) (гуллаб кетмоқ), verblühen (сунмоқ), erhellen (ёришмоқ), einschlafen (ухлаб қолмоқ), aufwachen (уйғанмоқ) каби префексли ёки партикел феълларидир. Бундай мураккаб трансформатив феъллар оддий феъл билан ифодаланган ҳолатнинг кириб келиши ёки тўхташини билдиришига қараб **ингрессив** ёки **инхоатив** (лотинчадан: бошланиш) ва **эгрессив** (лотинчадан: тухташ, чиқиш) деб аталади. Трансформатив феъл билан ифодаланган ҳолат ёки ўриннинг ўзгариши, агар у ўтимсиз ёки

рефлексив феъл бўлса, субъект актантга ва /ёки объект актантга таъсир қилади, агар у транзитив, яъни ўтимли бўлса, камдан-кам ҳолларда иккала актантларга таъсири ўтади.

Масалан: субъект актант билан: ўтимсиз феъллар sterben, umfallen, entstehen, aufstehen, einschlafen, ankommen, erkranken, erfrieren, verdampfen, einziehen;

рефлексив феъллар: sich öffnen (ўзини очмоқ), sich finden (ўзини топмоқ), sich verlieben (севиб қолмоқ), sich erkälten (шамоллаб қолмоқ);

ўтимли феъллар: jmdn. töten (улдирмоқ), wecken (уйғатмоқ), heilen (даваламоқ), etw. verschicken (бирор нарса юбормоқ); jmdn./einen Ort verlassen (бировни /жойни ташлаб кетмоқ), etwas verschenken (бирор нарса бермоқ).

Телик феъллари фаолият ёки жараённинг бошланиши ёки якуний босқичи ёки ҳолат ўзгармаган ҳолда тугалланган жараёнларни ёки чегараланган фазага ишора қилмасдан тавсифлаши мумкин:

losbrüllen (бақириб кетмоқ), losrennen (чошиб кетмоқ), ausklingen (охирига бормоқ, тугамоқ), ausreden (охиригача гапирмоқ); auflachen (кулиб юбормоқ), (einen Besuch) abstaten (ташриф буюрмоқ).

В.М. Павлов таърифича: "Чегаралилик деганда, ҳаракатнинг ички чегарасига йўналтирилганлиги тушунилади, бунда бу чегарага етиб бориш ҳаракатнинг тўлиқ амалга оширилганлигини ва унинг тамом бўлганлигини англатади. Чегарали ҳаракат билан боғлиқ бўлган субъект ва/ёки объектлар ҳаракат давомида ўз ҳолатини ўзгартиради. Бундай хусусиятларга эга бўлмаган ҳаракатлар ночегарали деб таърифланади" [Павлов 1984: 50].

Atelik феъллар **статик** ҳолатлар ва муносабатлар, ёки кулминация ёки якуний нуктани назарда тутмайдиган динамик ҳодисалар, жараёнлар, фаоллиятларни тасфирлайди. Масалан: sein (бўлмоқ), ähneln (ухшамоқ), wohnen (яшамоқ), liegen (ётмоқ), blühen (гуллумоқ), laufen (юрмоқ, юришда бўлмоқ), arbeiten (ишламоқ), schwitzen (терлаш), sich ärgern (ғазабланиш - ғазабда бўлмоқ), interessieren (қиззиқмоқ); Бунда трансформатив ателик феъллари билан қисман ўзгариш (zunehmen (семирмоқ), abnehmen (озиб қолмоқ), altern (қаримоқ) ёки шунга ўхшаш тугалланган жараёнларнинг доимий такрорланиши (flattern (тебранмоқ), sticheln, streiten (баҳсланиш), klopfen (тақиллатиш), husten (йўталиш), winken (силжитмоқ), blitzen (пирпиратмоқ), atmen (нафас олмақ) ҳам акс эттирилиши мумкин.

Ҳолат ўзгаришининг содир бўлмаслигини аниқ (эксплицит) ифодалов-чи **интрансформатив** bleiben (бир ҳолатда қолмоқ), behalten (бир ҳолатда сақламоқ) каби феъллар ҳам Дуден грамматикасида ателик феъллар деб ҳисобланади.

Ателик феълларнинг кулминация нуктасини талаб қилмаслиги, мос келадиган феълларнинг воқеликда чексиз давом этиши мумкинлигини англатмайди. Масалан, schlafen феълни олсак (Er schlief) уйқининг бошланиши ёки охирини ҳисобга олмаган, маълум бир вақтда кимдир уйқу ҳолатида бўлганини англатади. Уйқунинг бошланишини бошқа, яъни телик феъли einschlafen (уйқуга кетмоқ) (Er schlief ein) ва уйқуни тугаши эса aufwachen (уйғонмоқ) (Er wachte auf) телик феъли орқали ифодаланади. Демак, телик феъллари einschlafen ва aufwachen бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ғояси билан боғланган бўлиб келтирилган мисолларда субъектнинг уйқуга кетиш (ухлаб қолиш) ва уйқудан чиқиш (уйғониб кетиш, қолиш) маъноларини англатади.

Кўп ҳолларда феълнинг ҳаракат тарзи тури, яъни телик /ателик хусусияти ҳар доим бир хил ва ўзгармас бўлмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, феълнинг акционал хусусияти контекстга қараб, айниқса феъл билан боғланган (бириккан) тўлдирувчиларга қараб, ўзгариши мумкин, масалан ателик хусусиятига эга феъл телик маъносини ифодалаши мумкин. Бу масалада замонавий аспектологияда иккита йўланишни ажратса бўлади. Биринчи ёндашув вакиллари фикрига қараганда, ателик (чегараланмаган) феъл контекст таъсири остида телик феълига айналиши мумкин деб, немис тилидаги феълларни барчасини иккита, яъни чегараланган ва чегараланмаган гуруҳга бўлади (қаранг: масалан, [Балин, Бурмистрова ва бошқалар 1979]. ва бошқалар). Иккинчи ёндашув вакиллари, масалан, С.-Г. Андерссон [1972], Б.Х.Ризаев [2013], Дуден [2009], А. Муминова [2021] феълнинг акционал жиҳатидан тавсифлашда чегараланган /чегараланмаган феъллардан ташқари лимитатив нейтрал

фeълларни ҳам ажратдилар. Бунда, Б.Х.Ризаевнинг фикрича, лимитатв нейтрал фeълларнинг лексик потенциали бир вақтни ўзида иккита қарама-қарши акционал хусусиятларни ўз ичига қамраб олади. (қаранг: [Ризаев 1999:121]). Дуден грамматикасида ҳам шунга ўхшаш фикр юритилади ва ателик/телик фeъллари қаторида нейтрал фeъллар ҳам ажратилади (қаранг: [Дуден 2009: 409-410]). Буни тасдиқи сифатида Дуден грамматикасида берилган жадвални келтириш ўринли деб ҳиоблаймиз:

atelisch oder neutral	telisch
(Kirschen) essen, (Wein trinken, (Lieder) singen	Ein Kilo Kirschen essen, zwei Glas Wein trinken, den „Erkönig“ singen
tanzen, gehen, weinen	Einen Tango tanzen, einen schweren Gang gehen, viele Tränen weinen („inneres“ Objekt)
zunehmen, abnehmen, altern, schlafen	10 Kilo zunehmen abnehmen, um mehrere Jahre altern, zwei Stunden schlafen
laufen, gehen, schwimmen, tanzen	In die Küche gehen, bis zum anderen Ufer schwimmen, auf die Straße tanzen, in den Wald laufen; 200 Meter laufen, eine lange Strecke schwimmen; hinausgehen, hineintanzen
fahren, begleiten, folgen	das Auto in die Garage fahren, jmdn. Nach Hause begleiten, jmd. ins Ausland folgen

Жадвалда кўрсатилганидек, масалан, (Kirschen) essen ёки (Wein trinken) каби фeъллар контекстга қараб нейтрал ёки телик шаклда намоён бўлиши мумкин. Шу тарзда фeълларнинг семантик роли ёки воқеа натижасини ифода қилиш даражаси уларнинг турли контекстларда қўлланилиши орқали фарқланади. Ушбу жадвал, фeъллар қўлланилишининг чуқурроқ талқинлари бўйича катта манба бўлиб, телик ва ателик фeъллар орасидаги чегараларни кўрсатади. Бундай жадвални келтириш орқали фeълларнинг грамматик ва семантик хусусиятларини аниқлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Нейтрал фeъллар иккита акционал хусусиятга эга бўлганликлари ва контекст таъсирига кўра бир ҳолда телик иккинчи вазиятда ателик функциясида қўлланишлари айниқса юриш-ҳаракат фeъллари мисолида аниқ намоён қилса бўлади. Масалан, laufen, gehen, schwimmen, tanzen фeъллари субъектнинг аниқ бир маконда йўналишсиз, мақадсиз юриш-ҳаракатини акс эттирганда ателик маъносиде қўлланади, масалан: Er geht (tanzt) im Zimmer - У хонада юриди (уйнади); Enten schwimmen auf dem See [Langenscheidt]; - Ўрдақлар кўлда сузишади; Er lief so schnell wie er konnte [Langenscheidt] – У иложи борича тез югирди;

Агар кўрсатилган фeъллар субъектнинг бирор объект томон йўналган юриш-ҳаракатни, муайян бир нуқтадан иккинчи бир нуқтага яқинлашиш, ҳамда маълум бир маконга йўналганлилик маъноларини ифодаласа, бунда улар телик фeъллари деб ҳисобланади, масалан: Sie ging in die Küche – У охшонага кирди; bis zum anderen Ufer schwimmen – бошқа қирғоққа сузиб борди; Er lief in den Wald – У ўрмонга югирди; (қаранг бу ҳақида: [Муминова 2021: 55-56]).

Дуден грамматикасида ажратилган фeъллар гуруҳлари, яъни ҳаракат фeъллари, жараён фeъллари, ҳолат фeъллари ва эргатив фeъллар – телик ва ателик жиҳатидан ҳам турлича тавсифланади. Бу тасниф фeълларнинг семантик ва синтактик хусусиятларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Ҳаракат фeъллари (Handlungsverben) – Улар агентив бўлиб, субъектини фаолиятга қўшади ва одатда динамик ҳолатда бўлади. Телик ҳаракат фeъллари белгиланган натижага эга (setzen — ўтиргизмоқ, bauen — қурмоқ), ателик ҳаракат фeъллари эса фаолиятни қайд қиладиган, аммо унинг аниқ натижаси йўқ бўлган ҳолатларни кўрсатади (arbeiten — ишламоқ, singen — куйламоқ).

Жараён феъллари (Vorgangsverben) – Улар ноагентив ва динамик бўлиб, субъектнинг назоратида бўлмаган ҳолатларни ифодалайди. Бундай феъллар телик ёки ателик бўлиши мумкин. Масалан, *erfrieren* (музламоқ) теликдир, чунки у аниқ натижага эга; *wachsen* (ўсмоқ) эса ателик бўлиб, доимий жараённи тасвирлайди.

Ҳолат феъллари (Zustandsverben) – Статик муносабатларни тасвирлайди ва одатда ателикдир. Улар вақт давомида узлуксиз ҳолатни англатиб, ҳаракат ёки ўзгаришни кўрсатмайди. Масалан, *liegen* (ётмоқ), *besitzen* (эгалик қилмоқ), *wohnen* (яшамоқ) каби феъллар, вақтига қарамай, ўзгаришсиз қоладиган ҳолатни ифода қилади.

Эргатив феъллар (ergative Verben) – Бу феъллар телик ва трансформатив хусусиятга эга бўлиб, пациенс ролини бажарадиган субъектни талаб қилади. Улар одатда муайян натижа ёки ўзгаришга эга, масалан, *entstehen* (пайдо бўлмоқ), *sterben* (ўлмоқ), *ankommen* (етиб келмоқ).

Бу ажратишлар феълларнинг қандай тавсифланишини ва уларнинг ифодалаётган жараён ёки ҳолатнинг динамик ёки статик, натижавий ёки натижасизлигини кўрсатишга ёрдам беради.

У. Енгелнинг таъкидлашича, феълларни семантик жиҳатидан уч хил таснифлаш мумкин: феъл ифодалаётган ҳодиса турига, ҳаракат тарзига ва интенсифлигига кўра. Феълнинг лексик маъноси билан боғланган ҳодисалар турига кура аъъанавий тарзда ҳолат феъллари (Zustandsverben): *sein, bleiben, liegen, sitzen*; жараён феъллари (Vorgangsverben): *sich ereignen, rollen, sinken*, ва фаолият феъллари (Tätigkeitsverben): *fahren, sehen, tanzen* ажратилади (қаранг: [Engel 2009: 212]). Ҳаракат тарзи жиҳатидан (яъни воқеани (ҳодисани) вақт оралиғида оқим усули) ателик (чегараланмаган) ва телик (чегараланган) феъллар ажратилади. Ателик феъллар бошида ҳам, охирида ҳам чекланган деб белгиланмаган жараёнлар фаолият ёки ҳолатларни тасвирлайди. Телик феъллари бошида ва /ёки охирида чекланган деб белгиланган ҳодисаларни (жараёнлар, фаолият ёки ҳолатлар) тасвирлайди.

Ателик феълларни давомий ҳодисани билдирувчи дуратив (*glühen, scheinen, stehen* - порламоқ, порлаш, турмоқ) ва итератив (такрорланувчи) феълларга (*flattern, hämmern, klopfen* - чайқалиш, болғача уриш, таққилатиш) каби кичик синфларга бўлиш мумкин.

Телик гуруҳини ташкил этувчи феълларни, масалан: а) ҳодисанинг бошланишини кўрсатадиган инхоатив (шунингдек *ingressiv* (*anzünden, einschlafen, erwachen* – ёндирмоқ, ухлаб қолмоқ, уйғанмоқ); б) ҳодисани тугагини (яқунини, охирини) билдирувчи терминатив (*tervinativ*) (шунингдек: *ergrissive* - эгрессив) (*beenden, erlöschen, verblühen* - тугатмоқ, учирмоқ, гуллаб бўлмоқ); в) бошқа шахсга таъсир қилувчи ҳодисани билдирувчи таъсирчан *affektiv* (*binden, schmücken, setzen, trennen* – боғламоқ, безамоқ, ўрнатмоқ, ажратмоқ); г) бир марталик ва қисқа муддатли ҳодисани тасвирлайдиган *effektiv* (самарали) (*erblicken, platzen* - кўриб қолмоқ, портламоқ) каби кичик синфларга киритиш мумкин.

Шундай қилиб, замонавий немис тилидаги феълларнинг акционал таснифи жиҳатидан, яъни феъл ифодалаётган жараён (ҳолат, ҳаракат, воқеа, ҳодиса)ни вақт ичида оқими усулига кўра, уларни учта семантик гуруҳини ажратса бўлади: ателик, телик ва лимитатив нейтрал. Бу гуруҳларга ўзига хос лексик-семантик хусусиятларга эга бўлган, шу билан биргаликда, кўрсатилган акционал белгилар (телик/ателик)дан бири мавжудлигига кўра феъллар киритилади. Бунда айрим феълларнинг семантик потенциали битта эмас, балки иккита акционал белгиларини ўз ичига қамраб олиши мумкин ва шу сабабли ҳар хил гуруҳларга киритилиши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, биз қўйидаги жадвалда немис тилидаги феъллар акционал гуруҳларини ва уларга киритилган феълларнинг умумлаштирилган семантик маъноларини намоён қиламиз.

Жадвал

Немис тилидаги феълларнинг акционал гуруҳлари

Акционал гуруҳ	Феъллар тури	Мисоллар
Ателик (чегараланмаган) феъллар бошида ҳам, охирида ҳам чекланмаган жараёнлар,	- ҳолат, статик феъллар; - интрансформатив (ҳолат ўзгармаслиги) феъллар;	<i>sein, ähneln, wohnen, liegen, blühen besitzen; bleiben, behalten;</i>

фаолият ёки ҳолатларни тасфирлайди	- мақадсиз, йўналишсиз юриш-ҳаракат феъллари; - итератив (доимий такрорланиш) феъллари	gehen, laufen, tanzen; schwimmen, wandern (wo); flattern, husten, winken, hämmern, atmen
Телик (чегараланган) феъллар бошида ва /ёки охирида чекланган ёки маълум чегарага эга ҳодисаларни.	- трансформатив (ҳолат ўзгартирувчи) феъллар; - ингрессив ёки инхоатив (бошланиш) феъллар - эгрессив, терминатив (тухташ) феъллар; - натижа феъллари; - каузатив (сабаб) феъллар; - йўналишли, мақсадли юриш - ҳаракат феъллар; - бир марталик ва қисқа муддатли ҳодисани тасвирлайдиган effektiv феъллар - бошқа шахсга (нарсга) таъсир қилувчи affektiv феъллар	einschlafen, aufwachen, ausziehen; anzünden, erwachen erblühen, erhellen losbrüllen losrennen; verblühen, ausklingen beenden, erlöschen; finden, gelingen, ent-stehen, ankommen; bewirken, verursachen, veranlassen, machen, lassen, öffnen, ändern kommen, gehen, laufen, wandern (wohin); erblicken, platzen binden, schmücken, setzen, trennen
Лимитатив нейтрал Лексик потенцилида иккита қарама-қарши акционал хусусиятларни (телик/ателик) қамраб олган феъллар	- юриш-ҳаракат феъллари; - ўтимли ва ўтимсиз хусусиятларга эга феъллар	gehen, laufen, tanzen, schwimmen, wandern, fahren (Kirschen) essen, (Wein) trinken, (Lieder) singen

Ушбу жадвал феълларнинг турли акционал гуруҳларга кириши ва уларнинг семантик жиҳатдан турли-туманлигини кўрсатади. Мазкур тасниф феълларнинг вақт ичидаги динамикаси ва уларнинг вақтга қараб қандай шаклланишини тушунишда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Andersson S.G. Aktionalität im Deutschen. Eine Untersuchung unter Vergleich mit dem russischen Aspektsystem. I. Die Katigorien Aspekt und Aktionsart im Russischen und im Deutschen. – Upsala, 1972. - 248 S.
2. Балин Б.М., Бурмистрова Л.А., Колосова Л.П., Малышкина Н.В., Нефедов В.Д., Чебурахина Н.Е. Сравнительная аспектология русского и немецкого языков. - Калинин, 1979. - 86 с.
- 3 Brinkmann H. Die Wortarten im Deutschen. W.W .1.1950
- 4.Duden.Die Grammatik. (Hg, P.Grebe. Mannheim.1996, 40-112 betlar
- 5.Duden. Die Grammatik. Band 4. Dudenverlag. Mannheim. 2009.
6. Engel U. Deutsche Grammatik. Neubearbeitung. München: Iudicium Verlag. 2009 – 485 S.
- 7.Муминова А.О. Ҳозирги замон немис ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг аспектиал семантикаси. Филол. фан. фалсафа док. дисс. – Самарқанд. 2021. -171.
8. Karin Pittner/Judith Berman. Deutsche Syntax. Ein Arbeitsbuch. Tübingen: Narr, 2004.(narr studienbücher). Seite 196.
9. Н.И. Лобачевского. Методы лингвистического анализа. Глагол в немецком языке. Учебно-методическое пособи, Нижний Новгород 2016
10. Römer, Christine; Matzke, Brigitte: Lexikologie des Deutschen. Eine Einführung. Tübingen: Narr, 2003 (narr studienbücher). – ISBN 3-8233-4996-1. 226 Seiten
11. Ризаев Б.Х. Функционально-семантическое поле лимитативности в современном немецком языке. – Самарқанд: СамГИИЯ. 2013. - 162 с.
12. Ризаев Б.Х. Проблемы немецкой аспектологии. -Т.: Ўқитувчи, 1988. – 96 с.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 5

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000